

**МЕХНАТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МЕХНАТ
КЎНИКМАСИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Лухманов Дилшод Бахтиёрович

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси

Аннотация: Ушбу мақалада меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг иқтисодий ва амалий кўникмаларини ривожлантириши омиллари ва муаммолари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: меҳнат, талаба, педагог, билим, материал, иқтисодий ёндошув, таълим тарбия назарияси.

**IMPROVING LABOR SKILLS AND ECONOMIC EDUCATION OF
STUDENTS IN LABOR CLASSES**

Luxmanov Dilshod Bakhtiyorovich

Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

Republic of Uzbekistan

Abstract: This article discusses the factors and problems of developing students' economic and practical skills in labor lessons.

Keywords: labor, student, educator, knowledge, material, economic approach, educational theory.

Ёш авлодни иқтисодий фаолиятга ва меҳнатга тайёрлаш ҳозирги умумий таълим мактабларидаги таълим ва тарбиянинг асосий вазифаларидан биридир. Бу вазифа умуман укув-тарбия ишлари тизимида ҳам, меҳнат таълими дарсларида ҳам амалга оширилади.

Жахон маданияти учун Мухаммад Ибн Мусо Ал, Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Авесто, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний сингари куплаб бую колим ва мутафаккирларни етиштириб берган халкимизнинг маданияти, донишмандлиги, умуман камолотини юзининг илгор жамоатчилик кадимдан эътироф этиб келинган. Ота-боболарнинг бой тажрибасига амал килиш, уларнинг хозирги кун фаровонлиги учун иктисодий меҳнат тараккиётидаги бой этадиган хазиналари учун маънавий маданият йулида меҳнаткаш халк билан ижтимоий фаолият жараёнидан вужудга келган.

Мутаффакирлар меросида оилада болага сингдирилган ақл, одоб, хаё, инсонпарварликнинг асоси сифатида каралади.

Иктисодий тарбияга услубий ёндошиш мутаффакирларимиз томонидан мунтазам бойитиб келинган.

Чунончи, Мухаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий иктисод фанини инсон хаётида асосий урин тутишини алохида таъминлайди.

1. Ал-Хоразмий фикрига, киши иктисод илмини билишни ва уни уз ишига пишик булишини жуда юкори таърифлайди.

Шундагина у уз меҳнатининг натижаларини мукамал эгаллаб олади.

Абу Наср Фаробий инсонга яшаш учун жуда куп нарсалар кераклигин ва буларни вужудга келтириш жараёнини бошка шахсларга мурожаат этиши мумкинлиги хакида эътироф этади.

2. Бу уринда иктисодий алохида меҳнатнинг роли хакида курсатиб утган эди.

Хакикатдан хам хозирги кунда бошлангич синф укувчиларига иктисодий таълим-тарбия беришда иктисодий тушунчага, иктисодий алокаларнинг канчалик мухим эканлигини бугунги хаёт шароити нечоғли тугри эканлигини исботлаб турибди.

Абу Наср Фаробий бахт-саодатга эришув хакида шундай ёзади «Инсон маблагини тугри сарфлай билиш керак. Пул сарфлашда

кизганчиклик килиш хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эмас, инсонни бебошликка олиб келади».

3. Куришиб турибдики, ёшларни мактаб, оила шароитида билимларни иктисодий тафаккурни кенгайтириш, уларни тежамкорликка, ишбилармонликка,

Бошлангич синф укувчиларига иктисодий тарбия бериш аввалом уз оиласидан бошланади. Бола мактабга боргач бу борада пухта билимлар ола бошлайди.

Абу Али Ибн Сино уз асарларида болаларни хаётга тайёрлаш учун уларга хунар ургатиш керак деб таъкидлайди: «Инсон хунарни пухта урганиши шарт. Чунки хунар унга келажакда рузгор тебратиш учун аскотади».

Оилада иктисодий тарбия замирида болада меҳнатсеварликка шакллантириш ётади. Бу шундай олиб бориш керакка, бола уз меҳнатининг натижасини курабилсин, шундагина бола уз имкониятидан мамнун булади? Кандай?

Бошлангич синф укувчиларида миллий мафкурасини ривожлантиришда меҳнатнинг роли жуда катта.

Тарихимизда маълумки, болаларга одоб-ахлоқ илмини бериш билан бирга иктисодий масалаларни оддий шакллантиришдан шунингдек, меҳнат килиш сирларидан сабоқ бериш лозим.

Мактаб укувчилари иктисодий талим-тарбиянинг хозирги ахволи узига хос хусусиятига эга. Гап шундаки укувчилар хозирги иктисодий фаолият билан бевосита алоқада эмас.

Болаларнинг иктисодий меҳнатга мухаббат оиладаги ижтимоий муҳит бола тарбиясида энг катта роль уйнайди. Бунда бошлангич синф тарбиячисидан тортиб, барча инсонлар ва оила аъзоларининг хизмати бекиёсдир. Шахсининг ахлокий шаклланиши меҳнатсеварлик илмга

интилиш, уз халкининг анъаналарини хурмат қилиш, уз Ватанига содиклик, жасурлик, садокатлик каби тарбия қуринишлари билан камол топади.

Халқ педагогикасида болаларнинг меҳнатга муҳаббатли бўлишда қадимдан катталар намуна бўлиб келганлар.

Одатда, уз хужалигида ёрдам бериш, овқат тайёрлаш, укаларига қараш, бичиш-тикиш каби усуллар асосида қулланилган. Бу эса уз навбатида болалар психологиясига ёрдам берган. Шу навбатда угил болалар экин экиш, парваришлаш, хайвонларни боқиш каби юмушларни бажарганлар.

Халқ педагогикасида ёш авлодни иқтисодий меҳнатда тарбиялашнинг турли-туман йул ва усуллар, воситалари, манбалари мавжуддир.

Иқтисодиётга оид фикрларга қадимдан эътибор берилган Аристотель, Комон, Ксеннофонт, Платон, Қадимги Миср, Марказий Осиё, Хитой, Хиндистон мутаффақирларнинг асарларида қуплаб иқтисодий тушунчалар келтирилган ва уларнинг узаро боғлигини тушунтиришга ҳаракат қилган.

«Иқтисод»-(экономия) юнонча «Ой кономио» сузидан бошланиб («Ойкос»-уй, хужалик, «номос»-қоида, қонун маъносини билдиради)дастлабки вақтда у уй хужалиги қонун қоидалари тугрисидаги фан деб талқин этилган.

Уқувчиларга иқтисодий таълим беришда қузланган натижаларга эришиш учун аввало уларни меҳнат жараёнига, политехник ва ижтимоий фойдали йуналишдаги, умумтаълимга эга билимларга жалб этиш керак. уқитишнинг ҳар бир босқичида уқувчилар иқтисодий таълимнинг умумий вазифаларининг узига ҳос хусусиятларига эга бўлади.

Бошланғич синфларда уқувчиларга меҳнат таълимининг қуйидаги беш бўлимдан иборат ягона дастури бўйича билим берилади: яъни техник, маиший меҳнат, турли ашёларга бадиий ишлов бериш асослари, қишлоқ

хужалик меҳнати ва ижтимоӣ фойдали меҳнатлар дарсдан ташқари вақтларда амалга оширилади.

Меҳнат таълими дастурида уқитувчилар олдига қуйидаги вазифалар қуйилади:

- мактаб ёшидаги болаларда меҳнатсеварликни тарбиялаш; иқтисодий тафаккурнинг жузъий асослари; меҳнат аҳлига хурмат; демократик мулкка; табиатга эҳтиёткорона, тежамли муносабатда бўлишни тарбиялаш;

- уларнинг ижтимоӣ фойдали меҳнат жараёнида онгли равишда катнашиш малакаларини, дастлабки иқтисодий билим ва қуникмаларини шакллантириш;

- меҳнат таълими жараёнида иқтисодий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбияни амалга ошириш, амалий фаолият жараёнида болаларда иқтисодий тафаккурнинг ривожланишини таъминлаш.

Меҳнат тарбиясининг ривожланиши тарихидан маълумки, бошланғич синф уқувчиларига жузъий иқтисодий билимларни, қишлоқ хужалик меҳнати малакалари ҳосил қилинишига алоҳида эътибор берилган.

Ҳозирги пайтда мактаб ёшидаги болаларнинг қишлоқ хужалиги бўйича уқув меҳнати асосан, экинларни парваришlashга доир ишларни ўз ичига олади ва бундай ишлар уларда иқтисодий билимларнинг ривожланишига замин яратади. Амалиётдан қуринадики, олти ёшли болалар маданий усимликларнинг 5-6 хилини (асосан сабзавотларни) яхши биладилар. Улар очик тупрокда бир йиллик усимликлар уруғларини униришда уларни экиш, ҳона усимликларини парваришlash (сув қуйиш, тупрокни юмшатиш) ҳақида анча пухта билимлар берилиши тавсия этилади.

Бошланғич синф уқувчиларининг мавжуд билимларига асосланиб, мазкур синфларда ишлайдиган уқитувчиларга қуйидагилардан иборат мураккаброк вазифалар қуйилади:

- укувчиларнинг яшаш жойларида манзарали дарахтлар, сабзавот, мевали усимликлар хакидаги тушунча ва тасаввурларини мустахкамлаш ҳамда ривожлантириш;

- мактаб ёшидаги укувчиларда бутун йил буйи усимликларни парваришlashга доир умумий ишларни кулда бажариш куникмаларини шакллантириш, уларга ёз ва киш фаслидаги ана шу ишларнинг самарадорлигини аниклашни ургатиш;

- болаларнинг яшаш жойларидаги дехкончилик в чорвачиликнинг асосий тармоклари хакидаги дастлабки тушуна ва тасаввурларини аниклаш ҳамда кенгайтириш, уларга машиналар ва мехназимлардан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини курсатиш;

- уларни яшаш жойидаги энг куп таркалган кишлок хужалик касбларидаги меҳнатнинг мазмуни ва шароитлари билан таништириш, ушбу касбларга булган кизикишларини уйготиш.

Мактаб ёшидаги болаларни иктисодий жихатдан тарбиялашда дехкончилик ва чорвачилик ишларининг ургатилиши гоят кизикарли кечади. Одатда, етиштирилган хосилдан аввало таълимий куникма хосил килиш учун усимликларни парваришlashни курсатмали кулланма, аше сифатида, кisman мактаб ошхонасида болаларни овкатлантириш учун махсулот сифатида фойдаланилади. Бу эса, укувчиларнинг иктисодий тафаккурни ривожлантиришда катта хамиятга эгадир. Шунга кура, укутувчи бошлангич синф укувчилари узлари экиб, парваришlashи учун ушбу усимликлар хосилидан амалда фойдаланишларига алохида ахамият бериши керак булади. Масалага бундай ёндошиш укувчиларда дастурда ифодаланган барча билим ва куникмаларнинг таркиб топишини, шу жумладан, муайян мисоллар оркали иктисодий тарбиянинг мунтазам равишда амалга ошишини таъминлайди.

Иктисодий тарбияда, мактаб ёшидаги болаларнинг кишлок хужалигидаги меҳнати унумли булишини ташкил этиш жуда мухимдир.

Бунда меҳнат онгли булиши, яъни усимликларнинг тузилиши ва ривож хақидаги, тупрокнинг, угитларнинг ҳамда дехкончилик билан боғлиқ бошқа элементларнинг хоссалари хақидаги билимларига таяниш лозим, уни бажариш жараёнида иктисодий тафаккурни ривожлантириш керак. болаларга технологик жараённинг ҳар бир босқичида уз вақтларини режали ташкил этишни ургатиш зарур.

Уқувчилар иктисодий билимларнинг асосий қисмини математика, табиатшунослик, она тили (уқиш) дарсларидан олади. Бу эса, иктисодий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш қандай, қайси методларни ишлаш

агросаноат усулларини, кишлоқ хужалик ишларини бажариш муддатлари ва режаларини назарий асослаш, усимликларни парваришлаш воситаларини танлаш имконини яратади. Мазкур уқув фанларининг алоқаларидан фойдаланишнинг педагогик самараси икки хил характерга эга. Математика, табиатшуносликлик, уқиш дарслари иктисодий характердаги муайян билим билан бойитилса, кишлоқ хужалик меҳнати табиат, усимликлар ва уларнинг компонентлари хақидаги билимлар нуқтаи-назаридан англантилади.

Иктисодий таълим масалаларини ҳал қилишда ҳар қандай унумли меҳнат уқувчиларининг ижодий қучи ва билиш имкониятларига асосланиши зарурлигини унутмаслик керак.

Ана шу талабни таъминлаш учун ишлок хужалик меҳнати дастурига усимликлар билан утказиладиган анчагина тажрибалар киритлган. Уқитувчи уларни утказиладиган анчагина тажрибалар киритлган. Уқитувчи уларни уқувчиларда иктисодий тафаккурни мақсадга мувофиқ равишда ривожлантириш учун фойдаланиши мумкин. Ана шу тажрибалар вақтида уқувчилар усимликларнинг айрим турларини парваришлаш усуларини шунчаки урганиб қолмай, ҳар бир усулнинг ахамиятини, унинг иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ҳам аниқ билиб оладилар.

Тажриба ишлари жараёнида мактаб ёшидаги укувчиларда изланиш тафаккурининг, кузатувчанлик, хаёл, хотира ва бошка психик жараёнларнинг жадал ривожланишига эришилади. Бу холл хусусан, ана шу бошлангич иктисодий тафаккурнинг такомиллашуви учун жуда мухимдир. Болаларнинг амалиётда исботланган жузъий иктисодий билимлари асосида уларда маълум иктисодий тафаккур шаклланади. Улар табиатда у ёки бу конуният мавжудлигига ишонч хосил киладилар.

Мактаблар ишининг хозирги шароитида куйи синфлардаги укувчиларнинг кишлок хужалиги буйича унумли меҳнатига политехник йуналиш бериш керак. хусусан, укувчиларда иктисодий тафаккурни ривожлантиришга жиддий эътибор бериш, уларга узлари узлаштирган дехкончиликка доир билим ва куникмаларнинг универсаллигин курсатиш зарур. Муайян вазифаларни хал килишда укувчилар айрим усимликларни парваришланишнинг муайян агроусулларини узлаштириш билан бирга иктисодий билимларни хам эгаллашади. Бу билимлар етиштирилган хосилда, ундан хаётда самарали фойдаланишда, унинг иктисодий бахосида акс этишини тушунишлари керак.

Дехкончиликка доир умумий билимлар ва куникмаларнинг универсаллигидан иктисодий тарбия жараёнида фойдаланиш, масалан, уругларни экиш усулларини таккослашда муайян ифодасини топади. Бунда мактаб ёшидаги укувчилар маълум иктисодий хисоблашларни бажарадилар, меҳнат малакаларига эга буладилар. Укувчиларнинг меҳнатга тайёргарлиги аввало уларнинг меҳнат топширикларини бажаришга ижодий муносабатда булишлари даражасига богликдир.

Амалий педагогик фаолиятда тасдикланишича, болаларнинг иктисодий билим элементларини узлаштиришдаги мустакиллиги уларда умумий меҳнат куникмалари кай даражада шаклланганлигига богликдир. Укувчиларга ана шу куникмаларни сингдириш зарур. Шунинг учун, кишлок хужалик ишларини ташкил килишда укувчиларда иктисодий

тафаккурни ривожлантириш жараёнида куйидаги куникмаларни шакллантириш назарда тутилиши лозим:

- уз олдида навбатдаги меҳнат фаолиятининг максadini куйиш (амалий иш натижасида қандай умумий меҳнат ва иқтисодий билим, куникма ҳамда малакаларни олиш зарурлигини англаш);

- пировард натижага эришиш учун керакли меҳнат фаолиятларининг руйхатини ва тартибини аниқлашни, ишни режалаштиришни ургатиш;

- ишга керакли асбоблар ва ашёларни танлаш ҳамда тайёрлаш, ижронинг сифати ва эстетикасига талабаларда куникма ҳосил қилдириш;

- белгиланган режани амалда бажариш, бунда узини-узи назорат қилишни амалга ошириш, фаолиятининг натижаларини мунтазам равишда баҳолаб бориш, иқтисодий тафаккур малакаларини ривожлантириш;

- ишнинг натижаларини таҳлил қилиш жараёнида меҳнат ва иқтисодиёт асосларини эгаллаш;

- меҳнат гигиенаси, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш;

- ашёларни, куч ва вақтни тежаш;

- асбоблар ва бошқа меҳнат фаолияти қуроқларини асраш;

Келтирилган мисолда дарсларнинг иқтисодий максadлари бирмунча умумлашган йусинда ифодаланган. Уларнинг ҳар бирига муайян иқтисодий характердан келиб чиққан ҳолда ва парваришланаётган усимликка боғлиқ маълум узгартиришлар киритилиши керак. Бунинг имконияти мавжуд дарсларда усимликлар билан тажрибалар утказишда кузатувчанликни, такқослаш ва кизиқувчанликни ривожлантириш, жузъий иқтисодий куникмаларни узлаштириш максadлари қуйилади.

Тарбиявий жихатдан ҳар бир дарсда тегишли максadлар қуйилади, булар: болаларда усимликларни парваришлаш буйича меҳнатга кизиқиш уйғотиш; ишда тартиблилик, интизомлилик, усимликларга, табиатга, узлари ишлатадиган ашёлар ва асбобларга эҳтиётқорона муносабатла булиш сингари умумий иқтисодий сифатларни ривожлантириш; иқтисодий

тафаккур элементларини шакллантириш ва хоказолардан иборатдир. Шундай қилиб, дарсинг максадлари-уқувчилар нималарни урганиши кераклигини курсатиш, унинг таълимий вазифалари эса, мазкур максадларга эришиш учун қандай амалий ишларни бажариши зарурлигини ифодалашдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

REFERENCES:

1. Лухманов, Д. Б. (2020). Меҳнат тарбияси орқали ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишларини таъминлаш. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 1051-1056.
2. Luxmanov D.B. The use of national traditions in the labor education of pupils// *Academia*, 2020. Volume 10, Issue 10, pp 300-305
3. Luxmanov D.B., Rahmanov A.R. Maktablarda ta'limning ijtimoiy sheriklik modelini yaratishda klaster yondashuv. *Academic research in educational sciences*, 2020. Volume 1, Issue 4, 244-249 b.
4. Lukhmanov, D. B., & Khaydarov, M. E. (2019). People's Labor Traditions in the Process of Labor Preparation for Schoolchildren. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(09), 2405-2412.
5. Ахмедов, Б. А. (2021). Задачи обеспечения надежности кластерных систем в непрерывной образовательной среде. *Eurasian Education Science and Innovation Journal*, 1(22), 15-19.
6. Akhmedov, B. A., Xalmetova, M. X., Rahmonova, G. S., Khasanova, S. Kh. (2020). Cluster method for the development of creative thinking of students of higher educational institutions. *Экономика и социум*, 12(79), 588-591.

7. Akhmedov, B. A., Makhkamova, M. U., Aydarov, E. B., Rizayev, O. B. (2020). Trends in the use of the pedagogical cluster to improve the quality of information technology lessons. *Экономика и социум*, 12(79), 802-804.
8. Akhmedov, B. A., Majidov, J. M., Narimbetova, Z. A., Kuralov, Yu. A. (2020). Active interactive and distance forms of the cluster method of learning in development of higher education. *Экономика и социум*, 12(79), 805-808.
9. Akhmedov, B. A., Eshnazarova, M. Yu., Rustamov, U. R., Xudoyberdiyev, R. F. (2020). Cluster method of using mobile applications in the education process. *Экономика и социум*, 12(79), 809-811.
10. Akhmedov, B. A., Kuchkarov, Sh. F., (2020). Cluster methods of learning english using information technology. *Scientific Progress*, 1(2), 40-43.
11. Akhmedov, B. A. (2021). Development of network shell for organization of processes of safe communication of data in pedagogical institutions. *Scientific progress*, 1(3), 113-117.
12. Ахмедов, Б. А., Шайхисламов, Н., Мадалимов, Т., Махмудов, Қ. (2021). Smart технологияси ва ундан таълимда тизимида кластерли фойдаланиш имкониятлари. *Scientific progress*, 1(3), 102-112.
13. Akhmedov, B. A., Majidov, J. M. (2021). Practical ways to learn and use the educational cluster. *Экономика и социум*, 2(81).